

## ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИНИ ТАЪМИНЛАШДА СИЁСИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЎРНИ



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2022-23-967-975>

**Яхшиев Анвар Жўрақулович**

Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Фискал институт

Гуманитар фанлар ва чет тиллари кафедраси доценти

Email: [anvarfavran@rambler.ru](mailto:anvarfavran@rambler.ru)

### АННОТАЦИЯ

Уибу мақолада Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини амалга ошириши, барқарор ривожланишига эришиши, жамиятда тинчлик, осойишталик, миллатлараро ва динлараро ҳамжиҳатликни, фуқаролараро тотувлик, сиёсий мувозанатни таъминлашда сиёсий технологияларнинг ўрни ва аҳамияти масалалари жаҳон тажрибаси асосида ёртиб берилган.

**Калит сўзлар:** фуқаролик жамияти, тинчлик, тотувлик, барқарорлик, юмиюқ куч, рангли инқилоб, манипуляция, сиёсий технология, глобаллашув.

### ABSTRACT

*This article highlights the role and importance of political technologies in the implementation into the development strategy of Uzbekistan, achieving sustainable development, peace, tranquility, interethnic and interfaith harmony, civil harmony, and political balance in society.*

**Key words:** civil society, peace, harmony, stability, soft power, color revolution, manipulation, political technologies, globalization.

### АННОТАЦИЯ

В данной статье освещается роль и значение политических технологий в реализации Стратегии развития Узбекистана, достижении устойчивого развития, мира, спокойствия, межнационального, межконфессионального и гражданского согласия, политического равновесия в обществе.

**Ключевые слова:** гражданское общество, мир, гармония, стабильность, мягкая сила, цветная революция, манипуляция, политтехнологии, глобализация.

### КИРИШ

Фуқаролик жамиятининг барқарор ривожланиши полиэтник мухитда ўзаро ҳамжиҳатлик ва тотувликни таъминлаш масаласи билан бевосита боғлиқ. Таракқиёт стратегиясининг ҳаётда қарор топишига кўмаклашувчи сиёсий технологиялар шундай барқарор ва мўътадил жамият яратишда ҳамда ҳар хил

сиёсий бухронларнинг олдини олишда муҳим ўрин тутатади. Зеро, бугунги глобаллашув шароитида миллий мустақилликни барча соҳаларда сақлаш, мустаҳкамлаш таниқли олим С.Отамуродов таъкидлаганидек, масъулиятли вазифага айланмоқда [1; 97]. Ушбу вазифа Президент Ш.Мирзиёев олға сурган янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясини ва унда жамият олдига қўйган устувор вазифалар, уларни бажариш билан уйғун.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА ТАҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Сиёсий технологиялар масаласи Ўзбекистон жамияти учун нисбатан янги ҳодиса бўлиб, Гарб дунёсида ўтган аср охирги чорагидан бошлаб фаол қўлланиб ва амалий натижаларга эришиб келинмоқда. Шу боисдан ушбу муаммо кўпроқ Гарб мамлакатлари сиёсатшунос, ждамиятшунос ва файласуфлари томонидан атрофлича ўрганилган ва ўрганлимоқда.

Мамлакатимизда эса бир қатор тадқиқотчи ва таниқли олимлар, соҳа мутахассислари томонидан ушбу масаланинг муайян қирралари тадқиқ этилган. Бу борада сиёсатшунос ва файлсуф олимлар томонидан яратилган монографик асарлар ва тадқиқотичилар тоомнидан аксарият сиёсатшунослик йўналишида ҳимоя қилинган диссертацияларни айтиб ўтиш мумкин. Хусусан, С.Отамуродов, Ш.Пахрутдинов, С.Адылходжаева, Н.Умарова, М.Қирғизбоев, Т.Алимардонов, А.Сайдов, Н.Жўраев, Т.Жўраев Қ.Куронбоев, Ф.Равшанов, Н.Деҳқоновларнинг ишлари шулар жумласидан бўлиб, уларга масалаларнинг таҳлили жараёнида алоҳида муроржаат қиласиз. Мақолада цивилизацион ва тарихий ёндашув ҳамда мантиқий-таҳлилий методлардан фойдаланилди.

## ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Глобаллашув Ўзбекистонни халқаро трансмиллий жараёнлар домига тортади. Ўзбекистон тараққиёти халқаро ҳамжамият ижтимоий, иқтисодий ва маданий муносабатларига уйғунлашувисиз мумкин эмас. Буни ривожланган давлатлар билан ўзаро стратегик ҳамкорликнинг тобора кенгайиши, яхши қўшничилик муносабатларининг йўлга қўйилиши, олис ва яқин қўшни давлатлар билан ўзаро манфаатли сиёсат олиб борилаётганлиги, глобаллашув шароитида миллий ўзбек давлатининг стратегияси умуминсоний қадриятлар билан уйғун эканлиги исботлаб турибди [2; 130].

Жамият ҳаётининг либераллашуви ва демократлашуви шароитида чуқур ўйланган ижтимоий сиёсат ўз татбиқини сиёсий технологиялар воситасида амалга оширишни тақозо қилади. Кўзга қўринган жамиятшунос олимлар томонидан миллий ғоянининг тарғибот технологиялари масаласига

бағишланган жамоавий китобда “технология – замонавий илмий-амалий тафаккур услуби” [3; 22] сифатида баҳоланади.

Аслини олганда “технология” иқтисодий категория бўлиб, у ишлаб чиқариш, яратиш, барпо этиш жараёнини ифода этади. Ижтимоий ҳаётда “Технология” атамаси эса XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб оммалашди, кейинроқ сиёсий соҳада ҳам ишлатила бошлади. Сиёсий технология муайян мақсадни амалга оширишга мўлжалланган сиёсий тадбирлар, усуллар, воситалар мажмуаси бўлиб, муайян мақсадларни кўзда тутади [4; 37].

XXI асрга келиб ҳар қандай сиёсий мақсад, манфаат, иддао ва муддаога муайян сиёсий технологиялар воситасида эришиш таомилга айланди. У муайян кетма-кетликка асосланади. Масалан, бугун жаҳон етакчи давлатлари томонидан “юмшоқ куч” (Soft power) технологияси кенг қўлланилади. “Демократик транзит”, “рангли инқилоб”, “таълимга ёрдам”, “инсон ҳуқуқ ва эркинликлари қарор топишига кўмаклашиш” номлари билан ифода этиладиган сиёсий технологиялар бугун етакчи давлатлар томонидан ўзлари хуш кўрмайдиган, “бебош”, “қайсар”, авторитар сиёсий тартиботли давлатларга нисбатан қўлланиб келинмоқда.

Бугунги ядро асрида катта уруш, ҳарбий тазиик хавфли ҳисобланади. Унинг ўрнига “ахборот уриши”га асосланувчи, инсон онгига руҳий-психологик таъсир ўтказувчи “технологиялар”дан фойдаланиш анча арzonга тушади. Мамлакатнинг аҳоли норозилигига сабаб бўлувчи ижтимоий, иқтисодий ва маданий муаммоларидан устамонлик билан фойдалана билиш – бугунги сиёсий технологиялар учун касбий иш бўлиб қолди.

Бугунги энг самарали сиёсий технология – медиамаконда фуқароларга руҳий-сиёсий манипуляцион таъсир технологиялариdir. Зоро, амалий-татбиқий табиатга эга конфликтологик методлар воситасида “оммани ҳокимиятга қарши гиж-гижлаш” осон иш ҳисобланади. Агар ҳокимият коррупциялашган, турли ижтимоий қусурларга йўл қўяётган бўлса, шу алфозда ижтимоий бекарорлик учун шарт-шароит етилса – ижтимоий норозилик кайфиятлари шакланади. Бу – жамият ҳаётини издан чиқариш, конфликтоген ижтимоий вазиятларни пайдо қилиш учун қулайлик туғдиради.

Хеч қандай ижтимоий ҳодиса муайян сабабларсиз пайдо бўлмайди. Зоро, сиёсатда “сиёсий иштирок” деган категория мавжуд бўлиб, у стихияли, тасодифий иштирокка асло ўхшамайди. Ўзбекистон олий сиёсий раҳбарияти бу жиҳатни теран англай олди ва барча катта-кичик раҳбарларни, давлат хизматчиларини халқни “рози қилиш” асосий вазифалардан бири эканлиги

хусусида огоҳлантириди. Ўзбекистонда турли етакчи сиёсий акторларнинг манфаатлари мавжудлиги, Марказий Осиё минтақаси, Маккендер таъбири билан айтаганда, Ер шари учун “хартленд”, яъни “юрак” эканлиги мустақил тараққиёт йўлига кирган ёш давлатлар ушбу ҳақиқатни англаши муҳимлигини, бугунги глобаллашув шароитида илғор сиёсий технологияларсиз мамлакат барқарор ривожланишини таъминлаш мушкул эканлигини англаб етишини тақозо қиласи.

Ижтимоий соҳада сиёсий технология муайян натижага олиб келиши учун жамият аъзолари ижтимоий кайфияти, руҳияти унга тайёр бўлиши, яъни “етилиши” лозим. Минтақада узоқ йиллар партия яккаҳокимлиги шароитида шаклланган ижтимоий психология Ғарб либерал қадриятларини дарров қабул қила олмайди, ўтмиш ижтимоий инерцияси маълум муддат жамиятда сақланиб қолади. Шу ва бошқа омиллар туфайли ижтимоий психологияда ҳануз аввалгидек давлатга, ҳокимиятга, демак сайловларга, умуман давлат “халқчил” сиёсатига ишонч индекси анчайин пастлигича қолмоқда.

Хўш, сиёсий технологик жиҳатдан нима қилмоқ керак? Ушбу саволга жавоблар бугунги илмий адабиётларда мавжуд. Гап ушбу инновацион гояларни миллий сиёсатга имплементация қилишда қолади. Шундай илғор сиёсий технологик характердаги инновацион сиёсий алгоритмлардан бири – таниқли АҚШлик профессор ва сиёсий арбоб Фрэнсис Фукуяманинг “Trust”, яъни “Ишонч” номли сиёсий алгоритми ёки концепциясидир. Ушбу концепция бугун жаҳоннинг илғор илмий жамоатчилиги томонидан эътироф этилган ва юқори баҳоланмоқда.

Фукуяма бугунги жаҳон нотекис ижтимоий-иктисодий ривожланиши сабабларини социологик тадқиқ ва таҳлил қилиб етакчи жаҳон давлатлари ва қолоқ давлатлар, шунингдек, постсовет ижтимоий маконида мустақил ривожланаётган ёш давлатлар иктисодий құдратини, аҳоли фаравонлик даражасини (welltate) таҳлил қилиб, уларни ягона индекс ва индикатор – “ишонч” күрсаткичи орқали ифода қиласи. Фукуяманинг “ишонч” алгоритми бугунги сиёсий технологиялар учун, хусусан Ўзбекистон тараққиёт стратегияси учун ҳам жуда аҳамиятли ҳисобланади [5; 459].

Сиёсий “сўқир”лик жамият тараққиётини секинлаштиради, деярли барча соҳаларда мамлакат “қувиб борувчи” мақомида қолади, спортнинг айрим соҳаларини истисно қилганда, бирон бир соҳада илғорликка, етакчиликка даъво қила олмайди. Зотан, сиёсий технология факат сиёсат соҳасидагина “ишимайди” – у жамиятга нисбатан қўлланганлиги учун иктисод, маданият,

таълим, тарбия ва ҳ.к. соҳаларга ҳам кўлланилади. Сиёсий технология миллий манфатлар, унинг ахлоқий мазмуни билан алоқада туради. Бу ҳолатда сиёсий технологиянинг умуминсоний ва миллий қўринишларини, шунга мувофиқ глобал ва тор, биқиқ, жузъий миллий манфаатларни фарқлаш мумкин ва лозим бўлади. Глобал манфаатлар ўз табиатига қўра етакчи, ривожланган давлатлар томонидан жаҳоннинг қолган давлатлари манфаатларига нисбатан мавжуд бўлади. Ҳар қандай сиёсий технология бу жиҳатни ҳисобга олиши лозим.

Чунончи, бугунги глобаллашув жараёнларида, миллий иқтисод, маданият ва ҳ.к. етакчи давлатлар миллий манфаатларига мос келиши лозим. Бундай ғоянинг асослангани исботи – жаҳоннинг етакчи давлати – АҚШнинг глобал сиёсати векторининг ўзгариши, глобал жараёнлар мазмунидан келиб чиқувчи сиёсий технологияларни яратишида қўринади. Миллий мустақил ривожланиш йўлига кирган Ўзбекистон учун АҚШ глобал ташқи сиёсатини нафақат ҳисобга олиш, балки у билан ҳисоблашиш лозим. Шуни ёдда тутиш жоизки, жаҳоннинг етакчи давлати АҚШ нафақат иқтисодий ва молиявий таъсир, балки интервенцияга ҳам қодир, миллий иқтисодиёт ҳозирча Нью-Йоркдаги қимматли қоғозлар биржасидаги халқаро пул бирлигининг курсига нисбатан ўз иқтисодий сиёсатини олиб боришга мажбур. Сиёсий технологик жиҳатдан бундай фикрни таникли АҚШ политологи ва давлат арбоби, “Буюк шахмат тахтаси” номли машҳур асар муаллифи Збигнев Бжезинскийнинг сўнгги асари “Танлов: жаҳон узра ҳукмронлик ёки глобал етакчилик”да [6; 142] олға сурилган сиёсий технологик лойиҳа диққатга сазовор. Асарнинг номланиши ёқ кўрсатиб турибдики – АҚШда 2001 йил 11 сентябрда юз берган террорчилик воқеалари сиёсий стратегияни тубдан ўзгартиришни тақозо этади. Ушбу лойиҳа Ўзбекистон барқарор ривожига, ижтимоий сиёсатга алоқадорлик нуқтаи назаридан таҳлил қилинадиган бўлса, аввало, Ўзбекистон барқарор ривожланиши миintaқавий ва глобал барқарорликка узвий боғлиқ. Бинобарин, замонавий сиёсий технология миллий ва умуминсоний, глобал сиёсий ўзгаришларни инобатга олган ҳолда шаклланиши керак.

Сиёсатшунос олим Т.Алимардонов таъбири билан айтганда, сиёсатнинг ахлоқий жиҳатлари, унинг мазмуни инсон ахлоқий талабларига мос келиши лозим, айрим сиёсий етакчиларнинг турли уйдирма сиёсий терминлар воситасидаги сиёсий популизми эса зарарли ҳисобланади. Зоро, сиёсат ахлоқдан айри ёки унга зид ёхуд ундан ташқари мавжуд бўлиши мумкин эмас – у ғайриинсоний бўлади [7; 154]. Бу фикр ва мулоҳазалар ўринлилиги бугун сиёсий талаффузда қўп учрайдиган, бироқ либерал демократия тамойилларига

зид келмайдиган, архаик тушунчаларни муомалага киритиш, шу орқали эски маъмурий буйруқбозлиқ, марказлашган давлат бошқарувининг умрини узайтиришга қаратилган саъй-ҳаракатларда кузатамиз. Одатда, сиёсий технология муайян сиёсий “хом ашё”ни тақозо этади. Шундай сиёсий “хом ашё”лардан бири фуқаролик жамияти инсон индивидуаллиги учун “ортиқча” бўлган “жамоавийлик”, унинг сиёсий институти “маҳалла”дир. Назарий жиҳатдан фуқаролик жамияти эркин шахс ҳуқуқлари кафолатланган, жамоавийлик руҳиятига нисбатан индивидуаллик, шахсий ташаббус устуворлигини таъминловчи руҳиятга асосланади.

Либерал демократия учун хос бўлган бу жиҳатни XIX аср 30-йилларида АҚШ либерал демократиясини ўрганиш учун “Янги дунё”га ташриф буюрган таникли француз публицисти Аленсис де Токвил ўзининг “Америкада демократия” номли асарида рўй-рост тасвирлаган. АҚШ Европадан илгарилаб кетишининг сабаби ҳам мавжуд бўлиб, бу шахс меҳнат этикаси, демократия “рухи” (М.Вебер) билан боғлиқ эканлигини фактлар асосида исботлаган эди. Ушбу контекстда Т.Алимардоновнинг жамоавийликни назарда тутиб “шарқона демократия” ниқоби остида унга сиёсий тус берилганда ёки унинг асл моҳияти бузилганда жамоавийлик муносабатлари тоталитар хусусиятларни ривожлантиришга олиб келади [7; 134], деган фикрлари ўринлидир. Машхур ҳуқуқшунос олим Акмал Саидов ўринли таъкидлаганидек, “демократия: ё бор, ё йўқ”, унинг “шарқона” ва “ғарбона”ча бўлиши – бемаънилиkdir”, бу фикрни тўла қўллаб-куватлаймиз.

Демократия гарчи “халқ ҳокимиятчилиги” деб изоҳланса-да, у хаос, тартибсизлик, оломон, тўда хоҳиш-иродаси эмас, у жамият барқарор ривожланиши учун кўпчилик масъулияти, жавобгарлиги ва ижтимоий бурчи ифодасидир. Моддий ишлаб чиқаришда технологик талабларга риоя қилиш қанчалик муҳим бўлгани каби сиёсий технологияда ҳам ижтимоий қарорлар, ҳаракатлар кетма-кетлигига риоя этиш талаб қилинади.

Демократия миллий менталитетга ҳар доим ҳам мос келавермайди. Зоро, демократия ўтмишда материализмга асосланган ўзбек менталитетига ёт ҳодиса бўлган. “Жамоавийлик”ни, “маҳалла”ни демократиянинг тўла ифодаси, дейиш ҳам мунозарали. Буни қатор кўзга кўринган социолог олимлар ҳам тасдиқлашади [8; 5]. Чунончи, мешчанлик ва моддиятпарастликка чулғангандайрим тоифа кишиларда жамоага, кўпчиликка бир “ўзини кўрсатиб қўйиш”, “бойлигини” кўз-кўз қилиш, сунъий “ҳотамтойлик” психологияси устувор бўлади, тўйга, маъракага кимлар келишини овоза қилиш каби манманлик,

такаббурлик, кибр устуворлик қиласи. Оддий меҳнаткаш фуқаронинг айрим амалдорлар дабдаба учун қилаётган ҳаддан зиёд харажатларнинг манбаи нимада эканлигига ақли етади. Бундай ҳашаматли тадбирлар коррупция, меҳнатсиз даромадларнинг рекламаси ва ташвиқоти бўлиб қолади. Буни кўрган инсонларда қонунларга, давлат сиёсатига, демократияга ишончи қолмайди, ижтимоий фаоллиги сусаяди, ҳокимиятдан бегоналашади. Шу хусусда Т.Алимардонов ўринли таъкидлаганидек, “Маиший эҳтиёжлар бача халқлар сингари тўқ ва фаровон ҳаёт кечиришдир. Аммо эҳтиёжларнинг асосий қисми ахлоқсиз, ақидавий маросимлар билан боғлиқ бўлиб, дунёвий тараққиёт талабларига зид эканлигини инобатга олиш оғир кечаётганлиги афсусланарли ҳолат” [7; 133]. Негаки, бу ҳолат жамиятда демократик қадриятларнинг ривожига тўсқинлик қиласи.

Замонавий демократик давлат ва фуқаролик жамияти факат маърифат асосидагина қарор топиши мумкин. Жамоавийлик ёки шўро даврида ҳукм сурган колективчилик, “коллектив фикри” ва “коллектив қарори” тарихда турли номаъкулчиликларни, пировардида эса сиёсий қатағонларни юзага келтиради, ҳокимият муҳолиф тугул, муқобилликка ҳам ўрин қолдирмайди, шахс эркинликлари ва хуқуqlари поймол бўлиши учун шароит яратилади, яккаҳокимлик кучаяди, коррупция ва суиистеъмолчиликларга йўл очилади.

Барқарор ривожланиш ва эркин фуқаролик жамияти шу боис маърифатчиликка асосланган сиёсий технологияларга эҳтиёжни оширади. 2017 йилдан бошлаб иқтисодиётда, умуман барча соҳада янги сиёсий технология – “кластер”, “йўл харитаси”, “темир дафтар”, “халқ қабулхонаси” деган янги сиёсий институтлар яратилди. Ушбу институтлар фаолияти муайян сиёсий технологияга асосланади – давлат институтлари (ҳокимликлар, суд, прокуратура, ички ишлар хизмати ва ҳ.к.) фаолияти мақсадли ва манзиллига, яъни технологик табиатга эга бўлади. Айниқса бу йўналишда ҳудудларни секторларга бўлиб бошқариш, “штаблар” ташкил этиш ҳам сиёсий технологик аҳамиятга эга. Давлат хазинаси барқарорлигини таъминлаш, солиқ тушумларининг талон-тарож бўлишига қарши мажбурий ижро институти фаолияти ҳам сиёсий технологик табиатга эга.

Сиёсий технология жамиятда инсон маънавият каналлари орқали амалга ошади. Бугунги медиамаконда, ахборот-коммуникация шаклларининг тобора кўпайиши даврида Интернет, уяли алоқа ва бошқа воситалар ёрдамида жамиятга маънавий интервенция айнан “Soft power” сиёсий технологиялари орқали амалга оширилади, ёшлар онги руҳий-фоявий манипуляцияга дучор

қилинади. Турли ижтимоий сайтлар ва каналлар амалдаги таълим-тарбия йўсунидан фарқ қилиб, тезкор, таъсирчан ва ёшлар дунёқарашига мос сиёсий технологиялар воситасида ёшлар қалбини забт этади. Сиёсий технологияларсиз эса маърифий ишларнинг самарадорлигини ошириш мумкин эмас. Бугунги ахборот асрида давлат бошқарувида шаффофлик қузатилади – ҳар бир фуқаро ушбу соҳада ҳолат бўйича маълумот олиш имкониятига эга. Бунда турли блогерлар, мустақил журналистлар учқунни алангалашибига қўшни Қозогистонда 2022 йил бошларида кузатилгани каби “Бургага аччиқ қилиб кўрпани ёндиришга” – жамиятда бекарорлик вазиятини шакллантириш, ҳокимият обрўйини тўкишга, аҳолини гиж-гижлатишга уринадилар, барқарор ривожланишга реал хавфларни жонлантиришга ҳаракат қиласидилар. Бундай шароитда ҳалқ танлаган дунёвий демократик тараққиёт йўлини сақлаб қолиш, янги Ўзбекистонни барпо этиш, Президент Ш.Мирзииёв таъбири билан айтганда, ҳалқимизни “учинчи Ренессанс” бекатига олиб чиқиш – маърифат соҳасидаги эзгу мақсадлардан биридир. Ушбу улкан, эзгу мақсадларга эришиш фуқаролар томонидан сиёсий саводхонликни, ҳукумат қарорларини изчиллик билан бажаришни, турли алдов ва бузғунчи таъсирларга берилмасликни тақозо қиласидилар.

## ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Фуқаролик жамиятининг барқарор ривожланиши илмий асосда, хусусан илмий-татбиқий табиатда бўлган сиёсий технологиялар воситасида бўлади. PR, сиёсий менежмент, руҳий-психологик манипуляция, имижмейкерлик ва ҳ.к. технологиялар шулар жумласидандир. Сиёсий технология кучли таъсир имкониятига эга – уни малакали қўллаш орқали ижтимоий барқарорликка ҳам, ижтимоий бекарорликка, инқилобий вазиятларга эришиш мумкин.

Тараққиёт стратегиясида давлатимиз томонидан ҳалқимиз олдига қўйилаётган буюк бунёдкор режаларни амалга ошириш, ҳалқ фаравонлиги юксалишини таъминлаш, пировардида мамлакатнинг юқори ривожланган ҳалқлар ва давлатлар сифатида муносаб ўрин эгаллаши, Ўзбекистон “имижи”нг дунёда юксалиши учун ўта муҳим. Бу режа ва дастурлар эса фақат илмий асосда, замонавий сиёсий инновацион технологиялар ёрамида бўлади.

Сиёсий техноолгия ижтимоий, маданий технологик ҳам иқтисодий ишлаб чиқариш технологияларидан кам эмас, аксинча у инсон омили, инсон капитали билан боғлиқ. Зоро, фуқаролик жамиятини маърифатли, маданиятли фуқаро баропо этади ва тасарруф қиласидилар. Жамиятни илмий асосда бошқариш – замон талаби. Сиёсий технологиялар эса айнан шунга хизмат қиласидилар.

1. Давлат, ҳокимият ва фуқаро ўртасидаги масофани қисқартириш, давлат ва халқ манфаатларини уйғунлаштириш, муштараклигини таъминлаш мақсадида мамлакат медиамаконида сиёсий технологиялардан мақсадли ва самарали фойдаланишни тизимили ва илмий асосда йўлга қўйиш.

2. Ўзбекистонда фаолият юритувчи сиёсий партияларга ўз электорати нуфузини ошириш, етакчи сиёсий партия мақомига эришиш учун замонавий, сиёсий технологияларни шакллантириш ва улардан рақобатли сайлов жараёнларида фойдаланиш тавсия қилинади.

3. Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи, унинг бошланғич ташкилотларига ёшлар билан ишлашда миллий сиёсий технологиялардан унумли фойдаланиш, давлат бошқаруви тизими учун муносиб кадрларни шакллантириш, сиёсий (рекрутация) раҳбарлик қилиш тавсия этилади.

## REFERENCES

1. Отамуродов С. Глобаллашув: миллатни асраш масъулияти (сиёсий фалсафий қирралари). – Т.”O‘zbekiston”, НМИУ, 2018.
2. Адылходжаева С.М. Глобализация и стратегия государства. – Т.: ТГЮИ, 2007.
3. Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар лугати. – Т.: “Akademiya”, 2007.
4. Умарова Н., Исломбеков У. Сиёсий технологиялар. Ўқув қўлланма. – Т.: “Akademiya”, 2007.
5. Доверие: добродетели и путь к процветанию. – М.: АКТМОСКВА, 2008.
6. Бжезинский З. Выбор: глобальное господство или глобальное лидерство. – М.: Международная анатомия, 2005.
7. Алимардонов Т. Сиёсат ва ахлоқ. – Т.: “Фан”, 2005.
8. Бекмуродов М. Фуқаролик жамияти ва ўзбек менталитети // Хуррият газетаси. 2002, 9 октябрь.
9. Saifnazarov, I., Muhtarov, A., Sultonov, T., & Tolibov, A. (2020). Religious tolerance, unity of knowledge and faith issues highlighting in Imam Bukhari Hadiths. International Journal of Advanced Science and Technology.
10. Aliyev, B. (2022). Qudrat va farovonlik omili. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2(3), 1171-1182.
11. Алиев, Б. (2022). Таракқиётда ахборотлашув ва рақамли иқтисодиёт. Academic Research in Educational Sciences, 3(3), 933–947.

<https://doi.org/10.24412/2181-1385-2022-3-933-947>